

Финляндиядаги илк Қуръон нашри тарихи



13:30 / 21.06.2021 2032

Финляндияда босма Қуръоннинг илк нашри 1943 йил мамлакатда яшовчи мусулмон татарлар томонидан чоп этилган.

Волга татарларини марказий Россиядан Финляндияга иш излаб келиши 19 асрнинг иккинчи ўн йиллигида (1809-1917 йилларда), Финляндия чор Россиясининг таркибида бўлганида, рус армиясининг бир қатор татар аскарлари келиши билан бошланди. Бу ҳақда Ykpress янгиликлар порталига асосланиб, iqna.ig манбаси хабар беради.

Image not found or type unknown



Мусулмон татарлар Финляндияга жойлашгандан сўнг, улар хусусий исломий, ижтимоий ва спорт уюшмаларини ташкил қила бошладилар. Жумладан, 1915 йилда ташкил этилган ва 1925 йилда расмий рўйхатдан ўтган Ислон уюшмаси шулардан иборат. Шунингдек, улар мактаблар, масжидлар, ўзларининг Ислоний қабристонларига эга бўлган. Хусусан, татар ва фин тилларида бир қанча исломий ва адабий китобларни нашр этган.



Россиядаги татар биродарлари коммунистик режим томонидан қатағон қилинган ва режим 1927 йилда татар тилининг арабча ҳарфларини бекор қилиб, уларни лотин алифбосига, сўнгра 1939 йилда кирилл алифбосига ўтказган бир пайтда чет эл татарлари, шу жумладан Финляндияда яшовчилар татар тилидаги араб ёзувларини сақлаб қолишган ва ўзларининг китобларини ўша тилда экспорт қилишган.

Сўнгра Қуръони Каримнинг биринчи қисми араб тилида ва 1943 йилда Финляндиянинг Кеми шаҳар коммунасида Қуръоннинг Қозон нашри асосида чоп этилган. Бу татар савдогари, ёзувчиси ва хожа Ҳасан Низомуддин Ҳамидуллоҳ исмли хайриячи (1900-1988) раҳбарлигида амалга оширилди. У матбаа сотиб олди ва татар тилида китоблар нашр этди. Ушбу

Қуръонни чоп этиш учун махсус андозалар тайёрлади.

Хуршид Маъруф тайёрлади